



ИШОНЧ

УШБУ СОНДА:

2-бетда

БИЗ ЎРГАНАМИЗ, БИЗНИ ЎРГАНАДИЛАР

3-бетда

ХУҚУҚЛАРИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

4-бетда

ХУНАРИ ЭЛГА МАНЗУР

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

31 Март, сешанба 1998 йил №37 (539)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи қақирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясини қақирқўш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қ а р о р қ и л а д и:

Биринчи қақирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 1998 йил 30 апрел кунини Тошкент шаҳрида қақирқўшилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 30 март.

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси лойиҳаси тўғрисида /иккинчи ўқишда/.

2. Кишлоқ хўжалиги ширкати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг лойиҳаси ҳақида /биринчи ўқишда/.

3. Фермер хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

4. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

Олий Мажлис ўн биринчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда.

5. Давлат ер кадастри тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг лойиҳаси ҳақида /биринчи ўқишда/.

6. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси тўғрисида /иккинчи ўқишда/.

7. Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида

ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг лойиҳаси ҳақида /янгича ўқишда/.

8. Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги Қонунининг лойиҳаси ҳақида /иккинчи ўқишда/.

9. Гаров тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг лойиҳаси ҳақида /янгича ўқишда/.

10. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги

Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг лойиҳаси ҳақида /янгича ўқишда/.

11. Виждон эркинлиги ва диний тақабуллар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг лойиҳаси ҳақида /янгича ўқишда/.

12. «Ўзбекистон Республикасининг халқ устаси» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида.

13. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисида.

14. Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколати доирасидаги бошқа масалаларни ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Кофи Аннан Россияда ташрифда бўлди. БМТ Бош қотиби Россия президенти Борис Елцин ҳамда ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан учрашди. Шунингдек, Кофи Аннан Россия Давлат Думасида ҳам бўлди. БМТ Бош қотиби Россиядан Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди.

Украинада парламент ҳамда маҳаллий бошқарув идораларига сайловлар бўлиб ўтди. Парламентга 450 та халқ депутатлари сайланди. Сайловларда Украинадаги 30 партия ва сиёсий гуруҳлар иштирок этди. Сайлов натижалари ҳали маълум эмас.

Жаҳон Таттарлар Конгресси иккинчи сессиясини Қрим таттарлари хўжалиги қилишга қаратилган қарор қабул қилди. Хўжатга Жаҳон Таттарлар Конгресси раиси Индос Тағиров имзо қилди. Таттарлар Конгресси ўз Қароридан Украина парламентини томонидан Қрим таттарларининг мамлакат парламент сайловларида иштирок этиш тўғрисидаги илтимосини рад этганилиги қарши эканлигини маълум қилди.



Тожикистондаги ўзроқ яраш қўмитаси ҳамда махсус алоқа гуруҳи Қофарниҳон шаҳри атрофидаги моҳирон бартадағи эшик борасида бирор тўхтама қела олганлари йўқ. Епик эшиклар ортда ўтган тўрт соатлик музокара ҳеч қандай натижа бермаган. Музокара вақтида махсус алоқа гуруҳи мувофиқлаштирувчиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг Тожикистондаги махсус вакили Дитрих Мэрим муҳолифат вакиллари билан гаров олинган ҳуқуқат ҳарбийларининг озод этишни талаб қилган.

Саудия Арабистони қироли Фаҳд Бин Абдулазиз ол-Сауд Мушарраф Давлатлар ҳам-дўстлиги ҳудудида яшовчи 1400 афар мусулмонни ўз ҳисобидан Жаҳн зиёратига иштирок этишга тақдир қилди. Ўзбекистон, Қозғистон, Озарбайжон ва Россия давлатларидан тақдир қилган бу мусулмонлар қирол Фаҳд хазратлари ҳисобидан Макка ва Мадина шаҳрига бориш ва у ердаги Жаҳн вақтида яшаш имконига эга бўлади.

Россиянинг собиқ Бош вазири Виктор Черномырдин 2000 йилда бўладиган президентлик сайловларида қатнашишни илтимос қилди. Москва сийасатдорларининг қўлини бунга салбий муносабат билдирди. Жумладан, Россия Давлат Думаси раиси Геннадий Селезневнинг фикрича, Черномырдин президентлик сайловларида мағлуб бўлиши аниқ, чунки унинг ортда ҳеч қандай сиёсий қуч йўқ.

Покистоннинг шимолий-шарқидagi Равалпинди-Лахур трассасида қатта автохалокат рўй берди. Йўловчи ташқи автобуси ҳайдовчиси тезликни ҳаддан ташқари ошириб юбориб, қарма-қарши йўналишга ўтиб қолди, натижада рўпардан келатган машиналар билан тўқнашиб кетди. Автохалокат оқибатида 14 киши ҳалок бўлган, ўнлаб кишилар жароҳатланган.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.



Наврўз билан юртимизга қизгин меҳнат палласи ҳам кириб келди. Тошкент вилояти Янгийўл тумани пахтакорлари ҳам плёнка остига чигит экишни бошлаб юбордилар.

Суратларда: экиш пайти М. Мирзабобоев номли жамоа хўжалиги механизатори Раҳим Имомчаев.

«Ишонч» мақолалари изидан

КОНСЕРВА МАХСУЛОТЛАРИ: ИСТИҚБОЛ МУАММОЛАРИ

Ихтисослашган «Наманган» фирмасига қарашли очик турдаги Наманган консерва ҳиссадорлик жамияти (бош қорхонаси) мамлакатимиздаги шутармоқ шаҳобчалари орасида пешқадамлардан бири саналади. Утган йил бошларида қорхонанинг махсулот этиштирувчилар - хўжаликлар, фермерлар ва деҳқонлар билан баҳор остонасидаб тузган контрактация шартномалари ижобий баҳоланган, бу ҳақда газетанинг утган йил апрел ўн кунларининг биринчи «Деҳқон фақат этиштирин» деб номланган мақола брийтилган эди. Ҳўш, бу усул нима берди? Унинг натижалари қониқтирадимми? - Сунгги йилларда қорхонамизда аҳвол анча жиддийлашди, дейди унинг раҳбари Сирожиддин Маърупов.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичининг вақтинчалик келтириб чиқараётган қийинчиликлари ва мураккабликлари ҳаётимизнинг турли соҳаларига ўз таъсирини ўтказиб беришга сир эмас. Жумладан, санаотда ва кишлоқ хўжалигида, шунингдек, улар ўртасидаги муносабатларда ҳам бу нарса акс этмоқда. Чунончи, жамоа хўжалиқларининг ол-

Қўшма қорхоналарда «Ўздэуэлектроникс»: шиор-юқори сифат

Ўзбекистон ҳуқуқати, хусусан, давлатимиз раҳбари иқтисодиётни янада юксалтириш учун мамлакатимиз ташқи савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга, экспорт-импорт фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда чет эл сармояларини республикамиз иқтисодиётга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Натижада Ўзбекистон бозорида муваффақият билан фаолият кўрсатаётган қўшма қорхоналар сонини йилдан-йилга ортиб бораётди. Уза муҳбири ана шундай қорхоналардан бири - «Ўздэуэлектроникс».

Ўзбекистон-Корея қўшма қорхонаси Бош директори Ли Донг Су билан учрашиб, қорхона фаолияти ва келгусидаги режалари ҳақида суҳбатлашди.

Жаноб Ли Донг Су, «Ўздэуэлектроникс» анчадан бун Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатиб келди. Шундай бўлса-да, кўпчилик бу қўшма қорхона ҳақида тулик тасаввурга эга эмас. Суҳбатимизни қорхона тарихидан бошла-сак...

«Ўздэуэлектроникс» компанияси билан Ўзбекистон ҳуқуқати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат 1992 йил октябр ойида имзоланган эди. 1993 йил май ойига келиб ушбу ҳужжатга биноан «Ўздэуэлектроникс» ўзбек-корей қўшма қорхонаси ташкил этилди. 1993 йил ноябр ойидан қорхона электр техникаси махсулотлари, жумладан, телевизор, видеомагнитофон ишлаб чиқаришга киришди. 1994 йилда умий қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг махсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 28 миллион долларга етди. Холбуки, режага қўра, 24 миллион доллар миқдоридagi махсулот тайёрлашни лозим эди. 1996 йилда ҳам қўшма қорхона 51 миллион АҚШ долларини ўрнига 60 миллион долларлик махсулот тайёрлади. 1997 йилда эса ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробарга кўпайди. Бошқача айтганда, қорхона қўдрати йил сайин ортиб бораётди.

Ютуқарга эришиш осон кечмаётгани йўқ, албатта. Утган йили янги йиғув конвейери ишга тушди. Телевизорларнинг бутловчи қисмлари асосан Жанубий Кореядан олиб келинарди. Эндиликда айрим қисмлари Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 1996 йилнинг март ойидан бошлаб эса «Ўздэуэво» машиналарини унун автомагнитолар ишлаб чиқаришга киришди. Шу йил май ойида қорхонамиз ташкил этилганига беш йил тўлади. Шу давр мобайнида анча ютуқларни қўлга киритдик, дея оламиз. Энг муҳими, ўтиш даврини бошидан кечириётган Ўзбекистон халқи билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётганимиздан мамнунимиз.

Маълумки, тақомиллашган ишлаб чиқариш муваффақиятининг негизи ҳисобланади. «Ўздэуэлектроникс» қорхонасида бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти?

Қорхонамизда ишлаб чиқариш қўламини кенгаймоқда. Конвейерларимиз горизонтал услуб бўйича АҚШда ишлаб чиқилган автоматик дастур асосида ишлайди. Айрим бутловчи қисмларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил қилаётган бу махсулотлар турини қўлайтириш борасидаги ишларимиз ҳам ёмон эмас. Бунга мисол сифатида Тошкентнинг Сирғали туманида телевизор корпуслари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини айтиш мўлким. Илгари бу қисм ҳам Жанубий Кореядан келтирилиб эди. 1996 йилда 2 хил телевизор, 4 хил видеомагнитофон ишлаб чиқарилиб бўлса, ҳозир конвейерларимиздан чиқаётган телевизорлар турини 8 тага, видеомагнитофонлар турини эса 5 тага етди.

Биз истеъмолчиларнинг махсулотларимизга эҳтиёжи ва талабини пухта ўрганиб чиққанмиз. Ишлаб чиқаришдаги асосий шиоримиз юқори сифатдир. Шунинг учун ҳам махсулотларимизга талаб катта. Бунинг биринчи натижаси мисолда ҳам кўриш мўлким: ҳозир қорхонамизга қарашли 11 дўкон Тошкент аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатапти. Бунинг устига махсулотларимиз устима баҳоларсиз сотилади. Харид қилинган товарларни элтиб бериш учун махсус автомашиналар доимо хизматга шай.

Рақобатчилар хусусида нима дея оласиз?

Телевизор, видео ва бошқа машиий электротехника буюмларига ўхшаш товарларни қорхонанинг олиб келадиган фирмалар бор. Бироқ, улар ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди. Шу сабабли ўз товарларининг илҳма-хиллиги, моделлари сонини ва қўламини бўйича ҳам биз билан рақобат қилишни қўйин. Товарларимиз сифати қароқатланган.

Улар товарни сотишадиган, қароқатли олишга қўрқар элмайди. Бир сўз билан айтганда, бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланган қорхона ҳам ўзи даромад олади ҳам мамлакат иқтисодиётига фойда келтиради. Биздаги ишлаб чиқариш билан айрим қорхоналардаги олдий эгани орасидаги фарқ катта эканлини тушуниш қўйин эмас. Нарх белгилаш нўхтани

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 31 мартдан бошлаб ҳисоб ва божона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиляди:

1 Австралия доллари	56,54
1 Австрия шиллинги	6,57
1 Англия фунт стерлинги	142,09
10 Бельгия франки	22,45
1 Голландия гульдени	41,04
10 Греция драхамаси	2,66
1 Дания кронаси	12,14
1 БАА дирхами	23,01
1 АҚШ доллари	84,50
1 Миер фунти	24,76
1 Ирландия фунти	116,02
1 Исландия қорони	1,17
10 Испания песети	5,46
100 Италия лираси	4,69
1 Канада доллари	59,62
1 Хитой юани	10,21
1 Қўвайт динари	276,82
100 Ливан фунти	5,53
1 Малайзия рингити	23,67
1 Германия маркиси	46,25
1 Норвегия кронаси	11,24
1 Польша злотийси	24,74
10 Португалия эскудоси	4,53
1 Сингапур доллари	53,23
1 СДР	113,85
1000 Туркия лираси	0,35
1 Финландия маркиси	15,26
1 Франция франки	13,80
1 Швейцария франки	10,75
1 Швейцария франки	56,47
1 ЭҚО	91,77
10 Жанубий Корея юани	0,61
10 Япония иенаси	6,48
1000 Россия рубли	13,84
1 Украина гривнаси	41,46
1000 Беларусь рубли	2,251
1 Латвия лати	142,02
1 Литва лити	21,13
1 Молдова леви	17,92
1 Қирғизистон соми	4,68

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олганган.

ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Бухоро шаҳрида Ибн Сино номли маданият саройида бўлиб ўтган «Ташаббус-97» вилоят кўрик-танловига ўз махсулотларини намойиш қилишди. Ўз тарихида 2 та йирик қорхона - «Мармар» ва «Гуффик-Авиценна» қўшма қорхоналарини бирлаштирган, «Бухоро» ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси, «Бақоев» кичик қорхонаси, «М» қўшма қорхонаси, «Зухал» жамоа қорхонаси шулар жумласидандир. «Мармар» ўзбек-америка қўшма қорхонасида тайёрланаётган махсулотлар, айнакча кўпчиликка маълум тушган. Улар ҳозирги пайтда нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобат бардош махсулот сифатида тан олинган. Бу қўшма қорхона «Педрини» (Италия) фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

«Гуффик-Авиценна» қўшма қорхонаси ҳақида ҳам айнан шундай иллик сўзларни айтиш мўлким. Бу ерда асосан, дори-дармон ишлаб чиқарилади. Ҳинд технологияси бу борада қўш-

Республика биржаларида

қорикларли фаолият кўрсатди. Ил билан 409,3 миллион сўмлик олдий акциялар сотилди.

«Ўзбекистон» республика кўп тармоқли деҳқончилик сановати биржасида бўлиб ўтган ким олди савдосига 2,2 миллиард сўм ва 4,6 миллион долларлик ҳажмида кишлоқ хўжалик махсулотларини қўйилди. Махсулотларнинг сонини ва илҳма-хиллигини 820 дан ошиб кетди. Савдо жараё-

лар қўлига ўтди. Сотув ҳажми 35693,8 минг сўмни ташкил қилди. Жумладан, шу жараёнда Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида икки хоналик уй 2050 минг сўмга эгасига топширилди. Андижон бўлимида 16 та иншоот 5824,6 минг сўмга, Қорақалпоғистон республикасида 21 та иншоот 5569,8 минг сўмга сотилди. Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимида бўлган бўлиб, нарҳига нисбатан сотилиш баҳоси 1,91 мартага ошди.

Касаба уюшма ҳаётида бир ибратли матал бор. Агар қайси касаба уюшма ташкилотига жамоа шартномасини тўлароқ бажарилишига эришса, шу касаба уюшма ташкилотига жамоани яхшироқ ижтимоий ҳимоя қилган бўлади.

«Узэлектротранс» очик хиссадорлик жамиятида ўтган йил жамоа шартномасига яқин яшаб ва 1998 йил жамоа шартномасини қабул қилишга бағишланган йилда иштароқ этар эканми, шу фикрлар куйлиб келди. Мазкур масалани юзасидан маъруза қилган хиссадорлик жамияти бошқаруви раиси А.Алимов, корхона касаба уюшма кўмитасининг раиси Р.Водолазова ўтган йил учун тузилган жамоа шартномасини ижроси ва 1998 йил учун янги лойиҳаси ҳақида сўзлар эканлар, илгор таърибларни таъкидлаган ҳолда асосий эътиборни камчиликлар ва уларни бартараф этишга қаратди. Маърузачилар ва музокарада қатнашганлар бозор иқтисодиёти шартини иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотига, меҳнат жамоасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнат ва иш ҳақи, ижтимоий-маиший имтиёзлар, меҳнат ва чоратроф муҳофазаси ва бошқа мавзуларда фикр юритдилар.

Ўтган йили жамоа шартномаси бандларини бажариш учун 12 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Шу жумладан, меҳнат муҳофазаси тадбирларини амалга оширишга икки ярим миллион сўмга яқин пул ажратилди. 15,16-цехларда кўл меҳнатини талаб қилувчи жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш, иш шартини яхшилаш юзасидан катта ҳажда ишлар бажарилди. Юз нафардан зиёд ишчи-хизматчиларнинг малакиси оширилди, янги касбларга ўқитилди. Хавфсиз меҳнат шартини яратиш, қўшимча имтиёзлар юзасидан қўшимча тадбирлар тузиб амалга оширилди.

1998 йил жамоа шартномаси хиссадорлик жамиятининг участка, цех, бўлим ва бўлинмаларида муҳофизат этилди. Тақриб ҳамаду мулоҳазалар ўрганилди, умумлаштирилди. Қабул қилинаётган жамоа шартномасида улар акс этди. Унда соғломлаштириш масаласига катта аҳамият берилган. Соғломлаштириш учун бериладиган йўланмаларни арзонлаштириш қатор бандларга киритилган. Жумладан, ишлаб туриб касб ҳақлиги тўғрисидаги нагирон бўлиб қолганларга бепул бериш таъкидланган. Шунингдек, тиббий қисм ходимлари хулосасига кўра санаторий курортларга йўланмаларини биринчи навбатда ногирон ишчилар, диспансер ҳисобига турганлар, зарарли иш шартинида ишловчилар, кам таъминланган оилалар ва бошқаларга бериш эъқр этилди.

Касаба уюшма ҳаёти

ЯХШИРОК ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ...

Хужжатда бу йил «Узэлектротранс» корхонасига қарали болаларни соғломлаштириш оромгоҳида ходимларнинг 1000 нафардан зиёд фарзандлари ҳордиғини чиқариш таъкидланган.

Умумий овқатланиш шартномасида ишчи-хизматчиларга тушиқ вақтида намуна хизмат кўрсатиш юзасидан тадбирлар кўзда тутилган.

Мазкур шартномасида ходимлар соғлиғини сақлашга катта эътибор берилди. Чунончи, очик турдаги хиссадорлик жамияти ходимлари мураккаб жароҳликка мўҳтоб бўлганларига иш берувчи ва касаба уюшма кўмитасининг қўшма қарорига биноан жароҳлик ёки шу каби мураккаб тиббий хизмат харажатларининг 50 фоизини тўлаш зиммага олинди. Шунингдек, шавқар соғлиғини сақлаш муассасаларида даволанаётган ходимлар овқат пулиси тўланади.

Жамоа шартномасида одамгарчилик масалалари ҳам муносиб ўрин олган. Хомилидор аёллар, 14 ёшгача фарзанди ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган оилаларни тунги ва иш вақтинда ташқари пайтда дам олиш кунларида ишга жалб этишлик киритилган. Иш берув-

чининг ишлаб чиқариш ҳақи қандайдир ҳодимнинг розилигисиз иш ҳақи тўланган ҳолда таътилга чиқариб юбориши мумкин эмаслиги таъкид этилган.

Жамоа шартномасида одамгарчилик масалалари ҳам муносиб ўрин олган. Хомилидор аёллар, 14 ёшгача фарзанди ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган оилаларни тунги ва иш вақтинда ташқари пайтда дам олиш кунларида ишга жалб этишлик киритилган. Иш берув-

чиқариш ҳақи қандайдир ҳодимнинг розилигисиз иш ҳақи тўланган ҳолда таътилга чиқариб юбориши мумкин эмаслиги таъкид этилган.

Жамоа шартномасининг 3-бўлими меҳнат ва чоратроф муҳофазасига бағишланган. Иш берувчи 1998 йилда меҳнат хавфсизлиги тадбирлари учун 2 миллион сўмдан зиёд пул ажратган. Корхонанинг барча участкаларида душқоналар, ювниши жойлари, санитария-маиший хизмат бўлинмаларининг мунтазам ва яхши ишлатилиш таъминлаш масалалари ўрин олган. Иш берувчининг айби билан тўла ёки қисман иш қобилиятини йўқотганларга бир йўла тоvon пули тўлаш тартиблари ҳам очик-ойдин кўрсатилган.

Музокарада сўзга чиққанлар корхона ва ишчилар учун яратилаётган имтиёзлар бу факат унумли меҳнат ва бозор иқтисодиёти талабларини тўри тушуниб бажариш тўғрисида бунёдга келиши, меҳнат муҳофазаси, меҳнат ташкил этиши, иш билан банд қилиш, соғломлаштириш каби масалаларда ҳар бир ишчи-хизматчининг фаоллигини ошириш, ишловчиларнинг касб маҳоратини, иқтисодий саводхонлигини

ошириш, корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолати, яқин истикболи ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш, корхонанинг барча фаолияти мўҳим масалалари юзасидан касаба уюшма ташкилотини хоҳабар қилиб туриш, шартнома шартларига терс бўлган ўзгаришларни киритмаслик, низолағар ўрин бермаслик, меҳнат-қашларга кўпроқ имтиёзлар яратиш ҳақида тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Жамоа шартномаси қабул қилинган йилда ишчиларга таътил вақтида янги қизғин бахслар барқ урди. Тортишув давом этди. Лойиҳага яна янги тақлифларни киритиш юзасидан мулоҳазалар ўртага ташланди. Чунончи, оила йили муносабати билан хотин-қизларга ҳар ойда бир кун қўшимча дам бериш кунини белгилаш, хиссадорлик жамияти ишчи-хизматчиларининг алоҳида қобилият кўрсатган фарзандларини корхона хисобидан ҳорижий мамлакатларга ўқишга юбориш, хиссадорлик жамияти аъзоларининг яхши ўқийдиган ўғил-қизларига стипендиялар беришни кенгайтириш ва бошқа тақлифлар билдирилди. Уларни ҳисоб-китоб қилиш ва ўзини оқаса хиссадорлик жамияти бошқаруви тасдиқидан сўнг жамоа шартномасига киритишга қарор қилинди.

Жамоа шартномасига бағишланган мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Э.Ўкубов нутқ сўзлади.

Б.ПҮЛАТОВ

Ижтимоий ҳимоя қирралари

Барқарор ишлаётган корхоналар сони кейинги йилларда бир мунча кўпайди. Бу борада гап кетганда дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолияти хусусида алоҳида тўхталиб қарайлик. Бинобарин, Пастдаргом туманидаги «Жума элеватори» хиссадорлик жамиятида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар диққатга лойиқдир. Мазкур хиссадорлик жамияти раиси Исокул Мустафоев ана шулар ҳақида хикоя қилди.

Йиллик 1998 йил ҳосили учун 140 миллион сўмга яқин аванс, жумладан 3,4 миң тонна уруғлик галла берилди. Бу билан янги галла ҳосили учун пухта замин яратилишига қўмақлаша олганимиздан мамнунмиз, албатта.

Эришилаётган муваффақиятлар жамоамиз аъзолари - меҳнатқаш кишилар фаолиятининг натижасидир. Бинобарин, улар ҳақида гапмуҳаббат қилишни унуттишимиз мумкин эмас. Корхона касаба уюшма кўмитаси билан тузилган жамоа шартномасида, махсус ишлаб чиқилган тадбирларда ижтимоий ҳимоя масалаларининг барча жиҳатлари эъти-

БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Ижтимоий ҳимоя хусусида гап кетар экан, аввало бу тадбирларни амалга оширишга имкон берадиган моддий-молиявий пойдевор яратиш ҳақида ўйлаш керак. Соддароқ қилиб айтганда, ишлаб чиқариш мутасил ривожлантирилиб, барқарор даромад олинишига эришилганда кейингина ижтимоий масалаларни изчил ҳал этиш мумкин бўлади. Айни шу масалалар корхонамизда кўлга киритилаётган натижалардан қониқиб ҳосил қилса бўлади.

Корхонамиз ҳар йили вилоятнинг Окда-ри ва Пастдаргом туманлари ҳўжалиқларида ҳамда деҳқон ҳўжалиқларида этиштирилган галлани қабул қилади. Ўтган йили ҳўжалиқлардан 32 миң тонна галла етказиб берилди. Бундан ташқари Қозоғистон ва Россиядан 22 миң тонна галла келтирилди. Ҳозирга қадар жамғарилган маҳсулотнинг 80 фоизга яқини тозаланиб, у қилиш учун қайта ишлаш корхоналарига жўнатилди. Иш сифатли бажарилиши, узил-шарига йўл қўйилмаслиги тўғрисида олинадиган даромад олиб борапти. Шунга кўра ҳўжалиқлар билан ҳисоб-китоб қилиш имконияти кенгаймоқда. Айтайлик, 1997 йил ҳосили учун ҳўжалиқларга контрактация шартномасида кўзда тутилган муддатларда ҳақ тўланди. Бундан ташқари ўтган

борга олинган. Шу асосда корхонадаги ижтимоий-маиший масалалар, ошқонанинг доимий ишлаши таъминланмоқда. Жамоа аъзолари вақти-вақти билан сабақтада чиқишмоқда. Айниқса, меҳнатни муҳофизат қилиш тадбирлари жиҳиди назоратга олинган. Ана шу мақсадлар учун биргина ўтган йилнинг ўзидagina 500 миң сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ердამчи ҳўжалиқдаги ишлаб ривожчи ҳам ижтимоий ҳимоя имкониятларини кенгайтирапти. Бу ерда ҳозир 28 бош қорамол, 40 бош чўчка, 140 та парранда парваришланапти. Шу ҳисобдан ишчиларга доимий равишда бепул ёки арзон нарҳда гўшт, сўт, туҳум бериб келинмоқда. Хуллас, сидиқиди ишлаган киши гапмуҳаббатдан четда қолмапти.

Яқин вақтларда ижтимоий ҳимоя имкониятлари янада кенгайтирилади. Корхона қошидаги қурилиши бошланган улкан санаторий тегирмонини 1998 йилда ишга тушириш мўлжалланган. У бир кеча-кундузда 50 тонна бўғдойни янчиб, ун қилиш қувватига эга. Турғиси, бу қўшимча даромад манбаидир. Дарвоқе, юзга яқин киши доимий иш билан ҳам таъминланади.

Р.ҚҮБОНОВ ёзиб олди.

Иқтисодий сабоқ

БИЗ ЎРГАНАМИЗ, БИЗНИ ЎРГАНАДИМ

(ёки янгича иқтисодий шароитда маркетинг ўрни)

Ойнаи жаҳонда кунига уч-тўрт маҳал «Нестле» шоколади намойиш этилади. Ширинлик оқибатида тишда ҳосил бўладиган қариесни бартараф этиш учун эса «Колгейт» тиш пастасидан фойдаланиш тавсия қилинади. Тиш пастасидан ҳар қандамда фойдаланиш кишига нуқулга бўлгани сабабдан бу дардага қарши курашиш учун кейинги навбатда «Орбит» ёки «Дирол» сақичлари майдонга тушади...

Кофе сотиб олиш мақсади билан дўкonga қирган харидорнинг маҳсулотлар кўпидиган беихтиёр боши айланади. Кофенинг қайси турини харид қилишни билмай турган харидорга хотираси ёрдамга келади: «Нескафе». Албатта, кунига уч-тўрт мартадан реклама қилинадиган «Нескафе» кофе си харидор учун энг мақбули бўлиб туюлади. Истеъмолчилар талабини ўрганиш, бозорда мижозларни шакллантириш, аҳолига зарурий товар-маҳсулотларни сифатли, арзон, кўркам қилиб етказиш иқтисодий тушушда маркетинг, маркетинг фаолияти дейилади.

Маълумки, маҳсулот ва товарга бўлган талаб ҳар хил омилларнинг таъсири остида тез-тез ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётида шартини ўзгарувчан дейилади. Ҳар гуна шартини таҳлил қилиш, унга мослашиш бозор иқтисодиётида энг мўҳим масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шартини ўзгарувчан оқибатини маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни ўрганилади. Талабдан қилиб чиқиб, тақлиф, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш масаласи ҳал қилинади. Талабнинг вақт мобайнида ўзгаришига қараб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ўзгариштирилади.

1. ТАЛАБ-БОШ БАРОМЕТР

Бошида маркетинг фани талабни ўрганишдан фан сифатида пайдо бўлган бўлса, ҳозирда бу фан жуда кўп масалаларни, яъни маҳсулотни ишлаб чиқаришдан, то солинганча бўлган барча иқтисодий, молиявий, ташкилий, бошқарушга оид масалалар мажмуини ўз ичига олади.

Маркетинг фанининг предмети инсон эҳтиёжларини талабга айлантириш ва уни қондириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиб, амалга оширишдир. Энди маркетинг фанининг мазмунини ёритадиган бўлсак, бу сўз инглизча (market) сўзидан келиб чиқиб, бозор, сотиш, савдо мазмунини англатади. Маркет сўзи дан маркетинг сўзи келиб чиққан бўлиб-сотилиш, ўтказиш, маҳсулотни сотиш мумкин бўлган бозорни излаб топиш маъносини билдиради.

Маркетинг сўзи бозорни таққиб ва таҳлил қилиш, маҳсулотни сотиш тизимини англатади, лекин бу дегани маркетинг жараёни ишлаб чиқаришдан сўнг бошланади, дегани эмас, албатта. Аксинча, маркетингнинг вайфасига ишлаб чиқариш характери ва миссини, корхона, фирма-

қариш, қаерда сотиш, қанча нарҳда сотиш масаласини тўри хал қилиб йўл кўрсата олади. Бозор муносабатлари маҳсулотни ишлаб чиқаришдан, то солинганча қадар бўлган жараёнларни назорат қилиб, бошқариш турини тақозо қилади. Бу иш билан маркетинг шугулланади. Ҳар бир фирма, компания умумий маркетинг билимларига таяниб ўзининг мақсадлари мос маркетинг тажрибасини яратди. Айнан ана шу тажриба фирманинг сирини бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг энг мўҳим жиҳатларидан бири рақобат мўҳитининг мажбулликдир. Одатда, бир томондан бозорда товар ишлаб чиқарувчилар мижозлар учун, мижозлар товарларни сотиб олиш учун рақобатлашадилар. Иккинчи томондан бозорда товарларнинг сифати, нархи ва товарларни сотишда бериладиган имтиёзлар, кўрсатиладиган хизматлар ва бошқа кўрсаткичлар ўзаро рақобатлашади.

Товар сотиб олишда харидорлар ўзларига сифати, нархи маълум бўлганини харид қилишади. Рақобат бир томондан товарлар сифатини бозор сари яхшилашга даъват қилса, иккинчи томондан ишлаб чиқариладиган товарларнинг тез-тез янгилаб туришга, истеъмолчиларнинг талабини чуқур ўрганиб, уни қондиришга даъват этади. Иқтисодий ривожланиш, бозорларда рақобатнинг кучайиши, коммуникация воситаларининг, жумладан йўлларнинг ривожланиши маркетинг фанининг пайдо бўлишига ва унинг тараққий топишига олиб келди.

ларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан ва инженер-техник имкониятларидан-маҳсулотни сотиш мақсадини кўзлаб самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини, йўналишларини ҳам белгилайди. Маркетинг жараёни харидорни ўрганишдан ва унинг талабларини аниқлашдан бошланиб, харидор томондан товарни сотиб олиб, унинг аниқланган эҳтиёжини қондириш билан якунланади. Қисқа қилиб айтганда, маркетинг харидордан бошланиб, у билан якунланади. Лекин жараённинг бошланиши ва якуни орасида жуда катта, рангбаранг фаолият амалга оширилади.

Ҳар бир корхона маҳсулотларини сотиш ёки хизмат кўрсатиш соҳасида ўзининг махсус маркетингини ишлаб чиқиши лозимдир. Ҳар навбатда бу соҳа бошқа фирмалардан сир тутилади.

Ҳозирги пайтда бозорда сотиш мумкин бўлган маҳсулот ҳажминини аниқлаш, рақобатдош фирмаларнинг бозорлардаги ҳаракатини билиш, улар ишлаб чиқариб сотаётган маҳсулот тури ва ҳажминини назорат қилиб бориш, бозорлардаги вазиётининг ўзгаришига доир таҳминларни ишлаб чиқиш, илмий-техника тараққиёти йўналишларини ишлаб чиқиш ва буларнинг барисини асосида ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштиришга тўғри келади.

Ҳамма ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг охиригача сотиш маркетингининг широрларидан бири. Ҳар қандай компания бир томондан ўзгарувчан бозор шартини таҳлил қилиш, иккинчи томондан бозорда, харидорларга фаол таъсир кўрсатиш, шу йўл билан ўз мақсадларига эришиши лозим бўлади.

Маркетинг ёрдамида корхона, харидорлар қайси маҳсулотларни ва нима учун харид қилишни хоҳлашларини, истеъмолчилар қандай нарҳларни тўлашга қодирлиқларини, мазкур товарга қайси минтақаларда талаб борлигини, яъни қорхона маҳсулотини қайси бозорда сотиш кўпроқ фойда келтириши мумкинлигини тўғрисидаги зарур ахборотни олади. Ишлаб чиқаришнинг қайси турига, қайси тармоқига сармоа сарфласи кўпроқ наф келтириши мумкинлиги, яъни корхонани қаерда ташкил этиш мақсадага мувофиқлиги маркетинг кўмагида аниқланади. Шунингдек, маркетинг ишлаб чиқарувчи, корхона ўз маҳсулотларини сотишни қандай ташкил этиши кераклигини, янги товар-реклама стратегиясини ишлаб чиқиб, уни амалга оширишни йўл-йўриқларини белгилаш ва шу қабиларни аниқлаб олиш имконияти беради.

Салтур САЛИМОВ.

Кўзилаштиш мавсуми якунланди



Республикамизнинг энг йирик қоракўлчилик ҳўжалиқларидан бири бўлган Нишон туманидаги «Нишон» давлат наслиқлик жамоа ҳўжалиғи чорвадорлари вилоятда биринчи бўлиб кўзилаштиш мавсумини муваффақиятли якунладилар. Ҳар юз бош совилдан 106 бош дурқун кўзи олинди. Ўтган йили бу курсаткич юз бош совилка 101 та кўзини ташкил этган эди.

Ҳўжалиқ чорвадорлари сўнги йилларда кўзилаштиш асосий қисмини ўстиришга қолдиришга катта эътибор беришляпти. Бу йил ҳам 20 миңдан ортиқ кўзи ўстиришга қолдирилди. Бу тадбир ҳўжалиқда йилдан йилга тўғр сонининг ортиб боришига олиб келмоқда.

Суратларда: бош чўпон Райим Абдурахмонов набираси Акмалбек билан отарда.

Касаба уюшмаларида САВОБ ИШЛАР ПАЛЛАСИ

Наврўз факатгина уйғониш, яшариш ва янгилашиш байрами бўлиб қолмасдан, эҳтиёмжанд ҳамда кам таъминланганларга меҳр-муруват кўрсатиш учун айни фурсат ҳамдир. Энг оммавий ва савобгўй жамоат ташкилотларидан ҳисобланамиш Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши, шунингдек, тармоқ кўмиталари халқимизнинг аънаваний удумларида келиб чиқиб, Наврўз байрами муносабати билан 400 нафар уруш ва меҳ-

нат фахрийлари, ногирон ва боқувчисиз қолганларга саховат кўрсатиб, уларнинг ҳар бирига 10 кг дан ун, баҳоли қудрат шакар, ўсимлик ёғи, гуруч ва чой тарқатди. Шу билан биргаликда жойларда кўнгли кемтик, ёлғиз ашайдиғанлар учун дастурхон ёзилиб, зиёфат берилди. Термиз шаҳрида истикомат қилаётган фахрий ва ногиронлардан бир гуруҳи «Навбахор» ресторанига тақлиф этилди. Уларни Наврўз айёми билан касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси А.А.Аҳмедов култар экан, азалий саховатпешалиги, аънаваний қадриятларини авайлаб, эъозолаб келаяётган халқимиз ҳақида илиқ гапларни айтиб ўтди.

Рустам ДАВЛАТОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда) - Интилишимиз ва изланишларимиз дуруст сармала берганидиган ҳур-сандивиди, дейди С.Маъруфов. 1996 йилдаги қаралган ҳар соҳада сезиларли даражада уйсига эришдик. 1997 йилда 9044 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот тури ҳам чорак баробар ортиб 38 илгига етди. Биз не режаларимиз ҳам чизки яқунланмади. Ҳориздаги асосий шеркларимиз саналган Россияга, Болтиқбуйи мамлакатларига, шунингдек, Қозоғистонга 1562 тонна ёки 1996 йилдагидан 306 тонна кўп маҳсулот экспорт қилинди. Бошқача айтганда, 1 млн. 109 миң АКШ долларини ҳажмида маҳсулот сотилиб, бу борада бир йил ичиди 10 фоиз ортиб ўз берди. Бу, корхонамиз тарихида биринчи марта кузатилди.

Бошқа курсаткичлар буйича ҳам иқобий силжашлар кўзга ташланади. Чунончи, 7 млн. сўм миқдорига соф фойда олинди. Махсус жамғарма учун 1 млн. 397 миң сўм ажратилди. Хиссадорларга дивидендлар тўлашга 4,5 млн. сўм маблағ ажратилди.

Лекин корхона раҳбари келтирган рақамлар кишига қанчалик ҳузур бахш этмасин, бу билан чинакамга тараққий йўлига тушиб олинди, деган хулоса чиқаришга ҳали вақт эрта. Курсаткичлардан айв бўлганки, 1996 йилда юз берган хомаёқ тақлиғлигининг тақдорланмаслиғи учун қанчалик ҳаракат қилинмасин, зарур чоралар қилиб тадбирлар белгиланмасин, барибир асосий мақсадга эришилмади. Вилоят ҳўжалиқлари корхонага маҳсулот етказиб беришга юклатилган вазифаларини охиригача бажармадилар. Ёки бу борадаги режа 33 фоизга удалланди, холос. Биргина помыдорини олиб қурайлик: жамоа ҳў-

жалиқларидан шу тур маҳсулот етказиб бериш ҳажми 26600 тонна белгилангани ҳолда, амалда аранг 9100 тоннага етди. Бошқа қулгина тур кишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларини етказиб бериш чоғида ҳам шундай ҳоллар тақдорланди. Оқибатда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 67 фоизга тушиб қолди. Бунинг касри тўғрисида кўзда тутилган 309 млн. 677 миң сўмлик консерва маҳсулотлари ёки қуришақ 75 млн. сўмлик соф фойда бой берилди.

Шу муаммоларни эътиборга олганда Вазирлар Маҳкамасининг 363-қарори аҳамияти бениҳоя катта-номли жамоа ҳўжалиқлари бирктиб қуйилган. Бу тадбир корхонамиз тараққий этишининг бош талаби маҳсулот еттишмовчилигини тугатишга имкон беради, деган умиддамиз.

Корхона раҳбарининг истиқболга қатъий ишонч билан боқиб айтганларига қараганда, 1998 йил учун ҳар қачондиган кура юксакроқ марралар белгилашган. Шу йўналишда сўхбатдошимиз тилга олган айрим рақамларни келтирмаймиз: амалдаги йилда биргина томат (хорижийлар энг кўп сўрайдиган маҳсулот) ишлаб чиқариш 1997 йилдагига қараганда 2562 тоннага ортиб 3832 тоннага етди. Ялпи маҳсулот тайёр-

лаш ҳажми ўтган йилдаги курсаткичдан деярли 3,9 баробар қулайиб, 196,5 млн. сўмликдан 783 млн. сўмликкача, экспорт миқдори ҳам шунча ортиб 654 млн. сўмликка кўтарилади. Олинандиган соф фойда ҳам бўлтурги 7 млн. сўмликдан бу йил 52 млн. сўмликни ташкил этади. Шунга яраша хиссадорларга ажратилиши мўлжалланган дивиденд миқдори 7,5 баробар ортади.

Албатта, ҳолва, деган билан оғиз чўчимайди. Саана ўтилган бу катта ҳажми ишларни бажариш ишлаб чиқаришни ташкил этишга янада янгича куз билан қарашни, технологияни тақомиллаштиришни, турдош корхоналарда тулланган илгор тажрибаларни омдалаштиришни, бунинг учун биринчи навбатда, маҳсулотни жаҳон андозаларига хос ва мос

182 миң АКШ долларини миқдорда қелдиб олишга келишиб қуйдик. Ушбу маблағ ҳисобига юқориди номи келтирилган Италия фирмаси цехларимизни янги техника ва механизмлар билан қуроллантириб беришга розилик билдирилди. Корхонамиз тараққий этиши йўлида раҳбар ташқари олиб ўтганидан ташқари муаммолар ҳам йўқ эмас. Унинг дастлабки масаласи билан боғлиқ, Цехларини мавсумга тайёрлаш жамоа ҳўжалиқлари, деҳқон билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан янги контрактация шартномалари тузиш учун корхона мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда ҳозир уртача 619 млн. сўм маблағ сув ва ҳаводек зарур. Агар бу нарсани республи-

ликадаги тегишли юқори ташкилотлар хал этиб беришса, корхона ривожини ҳазларини кўшган булур эдилар. Албатта, айланма маблағ урнини қоплаш учун корхонада бирмунча захиралар мажбулликни айтиб кетиш уринилди. Омборхоналарда талай ҳажмида маҳсулот сақланмоқда. Бу нарс ҳаридор йўқлигидан эмас, балки Россиядаги шеркларнинг 85 ойларига келиб ташиб кетиш истгани билдирилди. Иккинчи бўлиб, вагон 16 миң, оддий вагон 2,1 миң доллар туради.

Иккинчи муаммо шундаки, мақоламиз бошланғичда келтириб ўтилган қарор чиққанлигига қарамадан эски қоли

Тошкентдаги Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети ҳали нисбатан ёш бўлишига қарамадан, жаҳоннинг етакчи олий ўқув юрталари билан ҳамкорлик қилишда катта тажрибага эга. Яқинда университет Шиллер номидаги Халқаро университет билан битим тузди.

Дорилфунунлар ҳамкорлиги

Бу шартноманинг бажарилиши таълим-тарбия жараёни самардорлигини оширишга имкон берибгина қолмай, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур доирасида таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда ҳам ёрдам беради.

Университет талабалари 1998 йил сентябрдан бошлаб, халқаро университет ўқув дастури бўйи-

ча шуғалланади. Бу дастурда Ўзбекистон иқтисодий-техник ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган. Таълим инглиз тилида олиб борилади.

Кўшма таълим лойиҳасида мамлакатимиз учун ус-тувор фанлар-банк ишида иxtисослаштирилган бир-га, халқаро бизнес, молиявий менежмент, маркетинг, халқаро муносабатлар ва дипломатия, ҳуқуқ фанларига ҳам афзаллик мақоми берилган.

Халқаро университет билан ҳамкорлик меҳмонхона индустрияси ва туризм учун мутахассислар тайёр-

лашни янги босқичга кўтаришда ҳам ёрдам беради.

Ўзбекистон туризм бизнесининг келажаги порлок, лекин бу тармоқ учун ресурсларнинг таъминоти кўп қисмида мутахассисларнинг малакасини оширишга катта аҳамият беришган. Университет профессорлари учун ахборотларнинг халқаро базаси - интернетдан самарали фойдаланиш курси ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, халқаро университет бизнинг дорилфунунимиз негизига Тойфул республика марказини таъсис этиш, Ўзбекистон болалари учун хорижда чет тилларни ўрганиш курсларини ташкил этишда кўмаклашишга тайёр.

сий вазирлик ва идоралари - Молия вазирлиги, Телерадиокомпанияси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди мутахассислари учун қисқа мuddатли курслар ташкил этиш кўзда тутилган шартноманинг катта ютуғидир.

Бундан ташқари, халқаро университет бизнинг дорилфунунимиз негизига Тойфул республика марказини таъсис этиш, Ўзбекистон болалари учун хорижда чет тилларни ўрганиш курсларини ташкил этишда кўмаклашишга тайёр.

Светлана ТЕН, ЎзА мухбири.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Эрон ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби Огайи Мухаммад Тожикистонда ўтган ҳафта мобайнида бўлиб ўтган ноҳусу воқеалардан ўз ташвишини билдириб, унинг мамлакатни Москвада эришилган келишувнинг тарафдори эканлигини Тожикистонда тинчликни сақлаш ишига ҳар томонлама ёрдам беражаклигини айтган.

Тожикистон Президентини И.Раҳмонов муҳофизат лидери республика яраш комиссиясининг раҳбари Саид Абдулло Турки билан учрашиб Кофар-Наҳондаги воқеалар хусусида гап-лашди. Улар бу муаммонини кўнун доирасида тинчлик йўли билан ҳал қилиш лозимлигини таъкидлаганлар. Бўлиб ўтган қуролли тўқнашув жараёнида у ерда 48 киши ҳалок бўлган, 40 киши ярадор бўлиб ҳўкумат аскарларидан 110 киши асир олинган.

БМТнинг Тожикистондаги доимий вакили Дитрих Мерим ва Саид Абдулло Нурий ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида асир олинган ҳўкумат аскарларидан 16 нафари яқинда қўни озод этилган. Республика ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби Аҳмад Комилуновнинг айтишича, яқин кўнлар ичида асир олинганларнинг ҳаммаси озод этилади.

Туркменистон ташқи ишлар вазирини Борис Шихмуродов, Озарбайжонга ташриф бурган у бу ерда ўзининг ҳамқасби билан Ашгабатдаги ўзаро келишувга мувофиқ Каспий денгизидagi нефть ва газ захиралари хусусида музокаралар олиб боради.

Киргизистоннинг янги тайинланган Бош вазирини Кўвончбек Жумаалиев уч кўнлик амалий визит билан Беларусияга келган. Бош вазир бу ерда иккала давлат ўртасидаги маданий ва иқтисодий масалаларга доир шартномаларни имзолайди.

Ғалати дунё

МИНАЛАР АПБАТТА ТОПИЛАДИ

Япон муҳандиси ХирошиТомити яратган ихтиро миналарни қидиришда бурилиш ясади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ер остига пилдаларнинг ёстиғини қуртувчи 110 миллион мина қўйилган экан. Камбўжа, Афғонистон, Босния ва ҳудудда уруш бўлган бошқа мамлакатларда айниқса, бўлинсон умрининг заволи қўпдир.

БМТ маълумотларига мувофиқ ҳар йили миналарда портлаб кетиш тўғрисида 25 мингта яқин одам е ҳалок бўляпти, ёки саломатлигини йўқотмоқда. Уларнинг кўпчилиги гўдақлардир.

Ҳозиргача қўлланиб келинган усул-металл жисмини сезадиган қидиргич билан миналарни топиш унча самарали эмас. Ҳозирги замон миналари қолланганлиги сабабли, қидирув кўп вақтни олади ҳамда унга тўла ишончи бўлмайди. Ҳисоб китобларга қараганда, битта топилган минага 50 га қадар топилмаган тўри келмоқда.

Хироши Томити кўнча микроўқинли сканер яратди, деб ёздаи немис «Шпигель» ҳафтаномаси, мазкур аппарат қандай моддadan тайёрланганидан катъий назар ерга кўмиб қўйилган ҳар қандай жисмини топа олади.

ЁПҒОННИ БИПАДИГАН ТЕЛЕФОН

Мураккаб электроника билан жиҳозланган янги телефонда сўзлашув экансиз, деб ёздаи Лондонда чоп этиладиган «Санди таймс» газетаси, суҳбатдошнинг чин сўзлаётгани, ёки сизни алдаётгани, билишингиз мумкин. Аммо бу янгиликнинг баҳси ҳам аноий эмас-43 минг доллар. Аппарат овозингиз пардасининг баянд-пастигини сезиб, ёлғонни фш этади.

Янги телефон ихтирочиларининг фикрича, у тадбиркорлар учун жуда ҳам зарур. Сабаби, иккинчи томоннинг асл мақсадини билиб туриш фойдадан холи эмас.

Ихтиро хусуси изкуварларни ҳам, эрларни садоқатсизликда гумон қиладиган аёлларни ҳам қизиқтириб қолши мумкин.

Телефонни беҳато ишлаши учун сўз бошладан аввал суҳбатдошнингизга бир-икки бегараз савол беришингизнинг унз киёф. Нариги тараф суворларингизга тўри жавоб бераётганлиги учун ўз сўзларини урта-миёна овозда талаффуз этади. Сўнгра ёлғонни фш этувчи электрон детектор суҳбат давомини шу жавоблар билан қислаб кўради.

КАПТАКЛАНГАН «ЛЕНИН»

Литваннинг унча ҳам катта бўлмаган Шхўлай шахрида истикомат қилувчи эр-хотин Инесса ва Пятрас Г-майда тадбиркорлардир. Улар бира-тўла бойиб, миллионер бўлиш орасида қанот боғладилар-да, Саудия Арабистонига келишди.

Эр-Риед шахрида машур Арманднинг адаши эски «Мерседес» автобусини ихарага олди. Сўнгра она Ватанида тузилган режага бинаоан тобут сотиб олди-ю, уни қизил мато билан ўрагач, ичига ўз эрини ётқизди. Турмуш ўртоғининг яхшилаб тарашланган юзига мўйлов ва ўша одамгагина хош соқолча ёпиштирилди. Екасига оқ нухат рангли қора бўйинбоғ боғлабди. Автобус пештокига ҳар қасоси бир метр келадиган ҳарфлар билан даб-дабали қилиб, «Ленин» деб ёзиб қўйди.

Томоша талаб араблар «кўнча мавзолей»ни ўраб олшиди. Сўнгра одамлар «зйерат» учун навабт туришди. Тадбиркор Инесса «жаҳон йўқиллари дохийсини қўришни истаганларнинг ҳар биридан 20 доллардан тўлади. Навбат чўзилгандан чўзилди. Эр-хотин мўмай фойдани санаш билан шод эдилар.

Ким билади, дейсиз? Агар русия дипломатлари «кўнча мавзолей» ҳақида хабар топишмаганида, балки Инесса ҳамда Пятрас ҳақиқатан миллионер бўлиб кетишариди? Русия элчихонаси ходимлари хусусидаги гапни маҳаллий ҳоҳимнинг ётадилар.

Араблар эўлики билан жаҳоннинг суд ҳўкмини чиқаришди. Эр-хотин қилиши қабиллик, деб қораланди. «Марҳум» 100 карра қамчи билан қалтакланди. Оташин Инесса эса эридан икки хисса кам, яъни қамчи билан 50 марта саваланди.

Маҳмуд АБДУРАИМОВ, Хориж матбуоти асосида тайёрлади.

Бойлик қўлнинг кири дейишади. Бир зумда топасан-у, дарров йўқотасан. Аммо ҳар қандай сийму-зардан ҳам қадрироғи бу хунардир. Халқимиз «хунарли хор бўлмас», дея беҳиз айтмайди. Нимадир яратсан, кимлардир хизматингдан баҳра олади. Энг муҳими ўз қобилингга ўрланмасдан юрт манфаатини учун тер тўкаётганлигини ҳар зумда сезиб турасан. Хунарманд бу ижодкор. У яратувчи. Ота-боболаримиз меросини бизга кўз қорачиқдек авайлаб-асраб етказиб бевувчи зотдир.

тутган. Улар тайёрлаётган сандиқлар, ўймали ва ойнаванд жавонлар, беленчақлар, бешигу-бешиқ анжомлари ўзига хос жилага эга. Бир пайтлари улар элнинг яхши нияти, яхши кўнларига атаб ясаган буюмларини минг ўй-ўхавотир аралаш савдога қўйган бўлса, бугун тамомилан акси. Рағбат кўп. Имкон мўл, эътибор кўчи.

Сирдарё хунармандлари ҳақида фикр юртар эканмиз, бу соҳазўк мuddат эътибордан четда қолиб келганлигини эътироф этиш лозим. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, халқ хунармандла-

гина кўрик-танловлар яқинлашганда эслаб қолаётганимиз йўқми? Назаримда, кишлоқда майда хунармандчиликни ривожлантириш ҳақида кўпроқ гапириб, озроқ иш қилаётганимиздек туюлади. Билмадим. Вазирлик Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган йилгида юртбошимиз кўйиниб, ур-таниб бор масалани ўртага ташлади. Анчик бўлсада, бу ҳақиқат. Хусусийлаштириш борасида жудаям «беш» кетиб қўймадикмикан? Виллоятдаги қайси туман, қайси ҳўжаликка борманг маиший хизмат уйлари аксарияти эшигига қулф урилган. Чўнки у «фалон-чининг» хусусий мулки. Фалон пулга сотиб олган эмиш. Финг деб кўр-чи? Қадимий хунармандчилик ҳақида ўйга толганда бу биналарни ана шу тадбиркорларга берса арзийди-ку, деб ўйлайман. Ўзбек Борки чопон кийди. Аммо кўлинг ўргулсин чопонни минга аёлнинг бири тикар экан. Битта ана шундай уста аёл мингта шогирд тайёрлаши мумкин-ку. Бу бир омади гап. Шахсий фикр албатта. Лекин ҳамма жойда ҳам сановат қорхонаси ёки фалон пуллик завод қуриш имкони бўлмас керак. Аммо эл учун савобли хайрли ишга бел боғлайдиган жувонмардлар кўп. Балки улар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, хайрли ишларга кўмаклашиш лозимдир. Хуллас, ўйлаб кўриш зарур.

Тулистонда ўтган кўрик-танлов халқимиз бой мерос соҳибни эканлигини кўрсатди. Хунарманд дур ундирганларга совринлар топширилди. Энг муҳими унда ҳеч ким голуб ва ҳеч ким мағлуб бўлгани йўқ, деб ҳисоблайман. Чўнки, бири-бирига ўхшамаган, турфа хил ижод соҳибларининг ҳар бири ўз ишининг усталаридир. Фақатгина 14 нафар хунарманд сирдарёликлар шазнини ҳимоялаш, воҳа хунармандлари яратган мўжизани таништириш мақсадида республика кўрик-танловига йўлланма олишди. Ўйлаймизки, улар миразчўлик хунармандлар неларга қодир эканлигини кўрсата олади.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Касбини удулган инсонлар ХУНАРИ ЭЛГА МАНЗУР


Яқинда Тулистон шахрида Наврўз шарафига бўлиб ўтган халқ хунармандлари кўрик-танлови қўлимизга қалам ушлатди. Ана шу фидоилар ҳақида фикр юртишга жазм этидик...

Шаҳар бозоринда мўжаз раста бор. Бу ерда бешиқ сотади. Бир зумда рафтага одамлар сал чўнброқ ораларди. Негаки, у пайтлар бизлар «қизил» эдик. Улғайтираётган фарзандларимизни қўп-қизил бешиқларда тарбиялаш эскилик саритиқку, деб қолди алақимлардир. Базми дуппа-дурут тиббиёт ҳодимлари бешиқ бола саломатлиги қушандаси, дея ахиянхус солиб қоларди. Ана шунда ўзи яшаган бешикка сўянган, оғир ўйга боғтан мўнғайиб бир аёл ўтирарди. У сира ҳам ёлғиз эмасди. Уни ҳеч ким четга суриб қўймасди ҳам. Кайтавилар эса унга чўкур ҳурмат билдириб ясаган бешиқларини савдолашмасдан ҳарид қилишарди. Бешиқнинг уста оламиз ҳам ҳар бир бешикка инсоф билан наҳр белгилашди. Умуман ашқаб. Бу бешиқим бешиқлар бугун ҳам бор. Ижодкори ҳам. Хунаридан эл мамнун бўлган табаррук аёл Маашрабон Каримовадир. Бутун оила ана шу савобли-хайрли иш этагини

ри иши жонланиб қолди. Улар бошини қовуштиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Виллоятда хунармандларнинг кўрик-танловларини ўтказиш одат тусига айланиб бормоқда. Бугун тилларда дoston бўлган Бухоронинг зардўзи дўпчиларидан тортиб, гўзал гиламлар ижодкорларига таҳсин ўймасдан ҳеч илож йўқ. Оқ олтинлик Гуландон Едгорова бошчилигида зардўзи қизлар, меҳнатободлик Хурсандой Йўлдошева, тулистонлик Ойгул Хайдарова, ховослик Ойбузи Шералыева каби уйлаб аёлларимиз тайёрлаган гилам, тақир билан зулбарок, қурок ва чопонлар воҳа хунармандлари ижодининг ёрқин иродасидир.

«Миллий кадрларимизни тиклаш, ота-боболаримиз меросини янгича мазмунлар билан бойитиш вазифамиздир,-дейди тадбиркор Тошпулат Хайитбоев.-Биз ҳам ана шу савобли юмуддан четда қолмаслик ниятида ўз хусусий қорхонамизни очдик. Ун нафарга яқин хунармандлар ёғоч ва металлдан турли хил буюмлар ясаш билан шуғулланиб келишяпти.

Хунармандлар ҳақида сўз юртар эканмиз, бир савобли сира тинчлик бермайди.Кўз нури қалб кўри билан боболари, момолари мероси давомчилари ҳамма ҳам ардоқдами? Еҳуд уларни фақат-



Тошкент шаҳар 1-қлиник касалхонаси шифокорлари ҳам бу йилги Наврўз тантаналарини кенг нишонладилар.

«Кафолат» давлат акциядорлик сўғурта компаниясининг 1997 йил учун БАЛАНСИ

Моддалар НОМИ	АКТИВ (минг. сўм)	Моддалар номи	ПАССИВ (минг. сўм)
Узоқ мuddатли активлар	120799,02	Ўз маблағларининг манбалари	605692
Оборот активлари	502201,57	Мажбурийлар буйича ҳисоб-китоблар	17308,59
Жами:	623000,59	Жами:	623000,59

Балансининг тўғрилиги «Adrienssen-Cock & Partners» аудиторлик фирмаси ҳулосаси билан тасдиқланади.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ЯШИЛ МАЙДОН ЯНГИЛИКЛАРИ

тўп киритишди. Ўтган мавсумда сўнгги тур ўйинларидагина бироз яхши қатнашиб, ўз уринини олий табақда сақлаб қолган андижонлик футболчилар ўтган йили учрашувлардан сабоқ олган қўринадилар. Бу йилги ғалаба «Андижон» жамоасини турнир жадвалининг иккинчи поғонасига кўтарилиб олиш имконини берди. Жадвали ўтган йилги бронза медал совриндори «Навбахор» клуби футболчилари бошқариб боришапти. Наманганликлар «Пахтакор»ни 1:0, «Косонсой» жамоасини 3:0, ўтган турда эса сафарда Навоий шахрининг «Зарафшон» жамоасини 4:1 ҳисобда енгдилар.

Бугунги кунда «Навбахор» ҳисобида 9 очко бор. «Андижон» жамоаси каби яна беш клуб: «Нефтчи», «Пахтакор», «Сўғдий-

на», «Бухоро» ва «Трактор» футболчилари 6 тадан очкога эгалар.

«Пахтакор»чилар сафардаги иккинчи ўйинда «Косонсой» жамоасини 2:1 ҳисобда енгдилар. Бухорода ўтган «Бухоро» ва «Нефтчи» жамоаларининг мусобақаси учинчи турнинг Марказий Ўйинларидан бири бўлди. 53- дақиқда Николай Срегенко, 64- дақиқда эса Вячеслав Князювлар Георгий Забирув ҳимоя қилаётган дарвозани икки бор аниқ нишонга олиб, чемпионликка асосий даъвогар «Нефтчи» жамоасини мағлубиятга удратишди. Учрашувнинг биринчи бўлими фарғоналик футболчиларнинг ташаббускорлигида ўтган бўлсада, лекин иккинчи бўлимда майдон эгаларининг устунилиги ажқол сезилиб турди.

Ўтган мавсумда кучли олтиликдан ўрин олган Қаршиннинг «Насаф» клуби ҳам бу йил яна юқорироқ марраларни кўзламоқда. «Насаф» футболчилари сафарда икки бор дурангга эришдилар. Дастлабки турда «Зарафшон» жамоаси билан бўлган мусобақад ҳисоб очилмаган бўлса, учинчи турда Урганчада «Хоразм» жамоаси билан мусобақалашди. Жиззахнинг «Сўғдийна» жамоаси ўз майдонинда иккинчи ғалабани қўлга киритди. Ўтган турда Жиззахлик футболчилар Тошкентнинг «Трактор» клубини 3:0 ҳисобда енгдилар. Термизнинг «Сурхон» жамоаси футболчилари ҳам икки мағлубиятдан сўнг, дастлабки ғалабаларини нишонлашди. Учрашувнинг 36- дақиқасида «Дўстлик» клуби футболчиси Павел Кайгородов хи-

собни очган бўлса, иккинчи бўлимда Рустам Асқаров икки бор рақиблари дарвозасига тўп киритиб, «Сўрхон» клуби ғалабасини таъминлади. Мамлакат чемпиони МХСК футболчилари Бекободда олий лиганинг янги аъзоси «Металлург» клубидан 3:1 ҳисобда енгилдилар. Тошкент армиячилари уч ўйиндан 1 очко олиб, жадвалининг 14-поғонасида боришмоқда.

Яна уч кундан сўнг, биринчи лиганинг 20 аъзоси мамлакат чемпионати ўйинларини бошлайди. Биринчи лигада 380 та ўйин ўтказилди. 2 апрел кўни бошланадиган биринчи лига чемпионати 29 октябрда ниҳоятга етди. «Ўзбекистон кубогининг» дастлабки босқич ўйинлари 13 май кўни бошланади. Қўрча ташлашига кўра МХСК,

«Бухоро», «Хоразм» ва «Дўстлик» жамоаларининг дастлабки турдаги рақиблари аниқ эмас эди. Биринчи лига вакиллари ўртасида ўтказилган 4 ўйиндан сўнг, бу муаммо ҳам ҳал бўлди. «Орол» жамоаси Нукусда Ургенчнинг «Ургенч» клубини қабул қилиб, 2:1 ҳисобда ғалабага эришди. Бухоронинг «Ситора» клуби футболчилари эса Тулистонда «Тулистон» жамоасини 2:1 ҳисобда енгдилар. «Шахрихон» жамоаси эса биринчи лиганинг янги аъзоси, Қувасойнинг «Цементачи» клубини 2:0 ҳисобда енгди. Ана шу ҳисоб «Роҳат» ва «Кимёгар» жамоалари учрашувларида ҳам қайд этилди. Ўйинда чирчиқлик футболчилар устун қилишди. Биллур совриннинг дастлабки босқичида «Шахрихон» - МХСК, «Бухоро» - «Кимёгар», «Хоразм» - «Орол» ва «Дўстлик» - «Ситора» жамоалари учрашадиган бўлди.

Домёр ЮСУПОВ.

ТАШКИЛОТ ҚУЙДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

- Диаметри 12, 14 ммли арматураларни; Диаметр 32, 35, 40, 45, 50, 63 ммли угулок (уч бурчакларни);
- Пўлат лист (тахталарни);
- Бир симли пўлат ҳамда икки симли рух тиканли симларни;
- АНО-4(Украина) электродларини;
- Козогистондан олинган кальций карбиди;
- СВ08-А пайвандлаш симларини;
- ТО-10, ТО-30 қурилиш қовилларини;
- Янги «КамАЗ» самовсал автомобиллини;
- «Супермаз» автобус автомобиллини;
- «Иванец», «КамАЗ» кран-автомобилларини;
- «Мерседес», «Джип Миңубисси», «Форд» автомобилларини;
- ГАЗ, ВАЗ, «Газель», УАЗ, «КамАЗ» сериясидаги автомобилларини;
- «Волга», «Жигули», «Дамас», «Тико», «Нексия» ва «Эсперо» автомашиналари учун эҳтиёт қисмларни;
- Мотор ёғини, тормоз суюқлигини, транс-миссион ёғини, аксесуарларни;
- ЕВ-687 1,2 тонналик электрқалқиларини.

Мурожаат учун телефон: (3712) 77-84-36

«ПГС» ФИРМАСИ

ҚУЙДАГИЛАРНИ СОТАДИ:
Ресторанлар, кафе ва ошхоналар, ишлаб чиқариш ва маиший бинолар, шовқинсиз юқори самарали иситиш учун ҳар хил қувватдаги иситиғичлар — калориферлар.
 Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.
Ташкилот ва корхоналардаги; шифохона, санаторийлардаги; дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги; спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус даволаш электр ускуналари.
Кичик ноновийоналар (4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга)
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

Бош мухаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош мухаррир қабулхонаси: 56-25-36
 Бош мухаррир урнубосари: 56-52-89
 Мажълу котиби: 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
 Қасба уюшмалари ва иқтисодий-сўғурта бўлими: 56-82-79, Ахборот ва спорт: 56-87-63, Маълумот ва маълумот: 56-82-79, Ҳаллар, оммавий ишлар ва муҳаббат билан ишлаш: 56-85-43, Тижорат ва ҳўқ: 56-85-66.

ВИДИОТ МУХБИРЛАРИ:
 Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 15-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчада - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Ғалати 1991 йил 11 мартдан чўки бошлаган. Сотувчи эркин муҳаббат. Материаллар: 700165, 700166, 700167, 700168, 700169, 700170, 700171, 700172, 700173, 700174, 700175, 700176, 700177, 700178, 700179, 700180, 700181, 700182, 700183, 700184, 700185, 700186, 700187, 700188, 700189, 700190, 700191, 700192, 700193, 700194, 700195, 700196, 700197, 700198, 700199, 700200, 700201, 700202, 700203, 700204, 700205, 700206, 700207, 700208, 700209, 700210, 700211, 700212, 700213, 700214, 700215, 700216, 700217, 700218, 700219, 700220, 700221, 700222, 700223, 700224, 700225, 700226, 700227, 700228, 700229, 700230, 700231, 700232, 700233, 700234, 700235, 700236, 700237, 700238, 700239, 700240, 700241, 700242, 700243, 700244, 700245, 700246, 700247, 700248, 700249, 700250, 700251, 700252, 700253, 700254, 700255, 700256, 700257, 700258, 700259, 700260, 700261, 700262, 700263, 700264, 700265, 700266, 700267, 700268, 700269, 700270, 700271, 700272, 700273, 700274, 700275, 700276, 700277, 700278, 700279, 700280, 700281, 700282, 700283, 700284, 700285, 700286, 700287, 700288, 700289, 700290, 700291, 700292, 700293, 700294, 700295, 700296, 700297, 700298, 700299, 700300, 700301, 700302